

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

• 2006-yil • 12-yanvar • Payshanba • 5 (27.497) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

«НАФИС» ЧИННИЛАРИ ДОВРУФИ



Самарқанд. Бу йил фаолиятининг ўттиз беш йиллигини нишонлаётган ва ҳозир «Нафис» очик турдаги акциядорлик жамияти номи билан машхур замкур корхонада кўп йиллик тажрибага эга кўли гул хунарманд устозодлар кўп. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган чиройли ва сифатли пиёла, коса, чойнак, лаган, гулдон сингари турли хил чинни буюмлар савдо шаҳобчаларида йил сайин қўлма-қўл бўлиб келмоқда.



махсус совринга сазовор бўлди. Доимо изланиш ва янгиллик интилиш иштиёқиди меҳнат қилаётган чиннисозлар ҳар йили янги хил туркум махсулотлар яратишмоқда. Яқинда корхонада сигими 1,7-2 литрли рўзгорбоп чойнаклар ҳам ишлаб чиқаришга киришилди.

— Бу ишнинг ташаббускорлари асосан ишчи-хизматчиларимизнинг ўзлари бўлишди, — дейди корхона фахрийси Мавлуда Топшўлатова. — Улар орасида Махтаб Турдиева, Лида Ким, Шоди Назаров, Наталья Сафина, Меҳрож Солиев, Абира Баҳриева, Илёс Рўзиев каби жонқуяр, ташкилотчи чиннисозлар бор. Энг кувончилиси, ана шундай фидойи ва чевар хунармандлар гайратли билан эндиликда махсулотларимиз экспортга ҳам йўл олапти...

◆◆◆
Суратларда: моҳир чиннисоз Нилуфар Хайитова; корхона иш жараёнидан лавҳа.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

БИР-БИРИГА ЕЛҚАДОШ ХАЛҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-11 январь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбаевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Маълумки, 2005 йил 4 декабрь куни қўшни Қозоғистон Республикасида президент сайлови бўлиб ўтган эди. Бу курашда амалдаги Президент Нурсултон Назарбаев 91,02 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди.

2006 йилнинг 11 январь куни Остона шаҳрида янги сайланган Қозоғистон Президентининг инаугурация маросимида иштирок этиш учун турли мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, Қозоғистонда аккредитация қилingan дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Н.Назарбаев ўзига ишонч билдирган Қозоғистон халқига, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хоржий кузатувчиларга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Қозоғистон раҳбари билан учрашиб, уни сайловда эришган ғалабаси билан самимий қутлади, келгуси фаолиятда муваффақиятлар тилади. Н.Назарбаев оқсак эътибор ва самимий табрик учун мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

— Қозоғистоннинг раҳбарлигини қўллашдан ўзгаришларни бошдан кечирди, — деди Ислам Каримов. — Давлатга бошчилик қилиш жуда мураккаб ва катта масъулият талаб этадиган вазифа.

Сайловдаги ғалабанинг Қозоғистон халқининг сизга бўлган оқсак ишончидан далолат. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, Қозоғистоннинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақиятимиз, Қозоғистоннинг муаммолари бизнинг ҳам муаммоларимиздир. Биз доим елкадош бўлиб келганмиз. Ҳамisha халқ билан бирга бўлишингизни, унинг ардоғида юришингизни тилайман.

— Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари доимо бир-бирини суяб, бир-бирига таянч бўлиб келган, — деб таъкидлади Қозоғистон раҳбари. — Янги сайланган президент сифатида ўз вазифамни бажаришга киришар эканман, илк хоржий савфаримни Ўзбекистонга ташриф билан бошлашни мўлжалламоқдаман. Биз ҳамкорликда Марқазий Осиёда интеграция жараёнларини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар эканлар, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири.
Тошкент — Остона — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янгиланмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчилар ташвишсизлигини ошириш имконини бермоқда. Шаҳар йўловчи транспортининг янги, мунтазам йўналишлари очилди, метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши таъминланди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини бе-

радиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш жараёни суст бўрмоқда. Хусусий йўловчи ташувчиларнинг тендер савдоларида иштирок этишида ва йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишдаги турли чеклашлар транспорт хизматлари бозори ривожига тўсқинлик қилмоқда. «Тошшаҳарйўловчидотранс» акциядорлик компаниясида корхоналарнинг низом жамғармасидаги давлат улушини қисқартириш бўйича мақсадли ишларнинг амалга оширилишига автобус парклари, ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда вақтида ва ишончли характерли шартларда ва йўловчи ташвиш таннархини пасайтириш борасидаги мустакиллик, моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш имконини бермаляпти.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январьдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер ҳўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг; 2006 йил биринчи чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин;
2. Тугатилмаган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш бўйича тақлифлари маъқуллансин.
3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилмаган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативлари (ширкатлари) негизда фермер ҳўжаликлари ташкил қилишда қўйидаги талаблар бажарилиши лозим:
 - а) ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилган мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;
 - б) фермерларнинг шартномага асосан бог ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;
 - в) бог ва узумзорларни сотиш тугатилмаган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимовиди савдосида амалга оширилиши мумкин.
4. Қишлоқ ҳўжалиғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-ҳолдинг» ХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:
 - а) 2006 йил 20 мартгача бўлган мuddатда фермер ҳўжаликларини ташкил қилишга даъвогарлар ўртасида ҳолис ва ошқора танлов, кимовиди савдолари ўтказишда жамоатчилик ҳамда фуқаролар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очиклик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фойлибларнинг аниқланишини таъминласин;
 - б) 2006 йил 15 апрелгача янги ташкил қилинадиган фермер ҳўжаликлари билан қайта ишлаб чиқариш ўртасида мева-сабзавот ва узум махсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузишни ташкил қилиш ва уларда ишлаб чиқаришни камда 30 фоизгача аванс билан таъминлаш кўзда тутилсин;
 - в) ўн кунлик мuddатда тугатилмаган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида тузиладиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларининг жойи ва уларни ташкил этиш мuddатлари белгилансин;
 - г) ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантириш натижасида тугатилмаган қишлоқ ҳўжалиғи кооперативларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳамда «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-ҳолдинг» ХК муассисларининг мазкур компанияни «Узумсаноат-ҳолдинг» ХК муассисларининг айлантириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Қўйилмаган «Узумсаноат-ҳолдинг» ХК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

- а) истеъмол спирти ва алкоголь махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;

а) истеъмол спирти ва алкоголь махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Биз яхши ниятлар билан янги йилга қадам қўйдик. Бу йил ҳам тинчлик, осойишталик, оғизбирлик, бунёдкорлик барқарор бўлишини истаймиз. Бошқа ҳар қандай гайритабиий ҳолатлар келажаги буюк давлат қуришда йўлимизга тўғаноқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўтаётган ҳар бир кунимиз фикрлаш, ҳулоса чиқариш ва шукур қилиш учун қўлай имкониятдир.

Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзини оладиган бўлсак, йил давомида не-не тўсиқ-тўғаноқларни четлаб, енгиб ўтмадик дейсиз. Бундай қатъиятлик, изчиллик, ҳушёрлик ва журъатни Ўзбекистон раҳбари ўзининг Янги йил табригида шундай ифодалади:

«Евуз мақсадларни кўзда тутиб уштирилган тажовуз-кор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва тухматларни бошимиздан кечириб тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинки, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, гаразли хуруж ва офатларни енгитишга эришдик. Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик».

Демак, ҳаммасини бошимиздан ўтказдик. Энди янада ҳушёр бўлишимиз керак. Тинчлик ва хавфсизлик, миллий товулик ва яратувчилик биз учун ҳамма нарсадан қадрли. Ўтган йилдан сабоқ олиш имкониятини бой бермайлик. Айтиш жоизки, нафақат ўз бошимиздан ўтган, балки бошқалар ўз бошларидан ўтказётган воқеа-ҳодисалар ҳам биз учун сабоқ бўлиши мумкин. Жулла-

дан, совет даврида ҳам, ҳозир ҳам бизга қадрдон бўлган Украинада иқтисодий ҳамда сиёсий барқарорликни, миллий товулик ҳамда оғизбирликни таъминлаш қанчалик оғир кечаётганлигини кўриб турибмиз. Шундай катта ва салҳиятли, кўп миллатли мамлакатдаги бугунги вазиятга, тўғриси, ҳеч ким ҳавас қилмайди. Биз жамиятда барқарорликни таъминлаш учун курашар эканмиз, бундай ҳолатлардан сабоқ олишимиз зарур. Оғизбирлик бўлмаган жойда барақа кўтарилади, ором ва ишонч йўқолади, «маслаҳатчи» кўлади. Агар ҳозир халқаро ҳаётни кузатсангиз, «маслаҳатчи»лар кўплигидан энсангиз қотади. Ким билан қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида ўзларича йўлланмалар беришади. Улар таъсир ўтказиш ва таъйиқ кўрсатиш усулидан фойдаланишади. Мабодо, қатъиятсизлик ёки журъатсизлик қилсангиз, дарҳол жиловни қўлга олишади. Жи-

ловни бой бердингизми, тамом, қўғирчоқ ҳукуматга, қарам мамлакатга айланиб қоласиз. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон кўрсатаётган қатъиятлик — юри-таётган мустақил ташқи сиёсат ҳар жиҳатдан тўғрилигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Афронистонда, Ироқда, Боснияда, Индонезияда, Африканинг бир қанча давлатларида юз берган ва юз бераётган миллий-этник ҳамда диний низолар ҳам фикр қилиш учун сабоқ беради.

Биз журналистлар Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида, маҳалла ва хонадонларида бўлиб, кўпмиллатли фуқароларимиз билан суҳбатлашар эканмиз, аҳоли орасида миллий-этник ҳамда диний муносабатлар масаласида хатто кўнгилда шубҳа турдирадиган бирон-бир хатти-ҳаракат кузатилмаганлигини мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Биз турли миллат вакиллари янги йилни ҳам, ҳайитни ҳам бирга нишонлаёмиз, тўғйа ҳам, худойига ҳам бирга боряёмиз, бориши ҳам, йўғини ҳам бирга баҳам кўряёмиз.

2-бет

Долзарб масала

ҲОМИЙЛИК — ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ

АГАР УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНСА, БУ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ, — ДЕЯ ТАЪКИДЛАШДИ ЎЗБЕКISTON ХДП МАРКАЗИНИ КЕНГАШИДА БЎЛИБ ЎТГАН КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Авал хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг концепцияси ва ишчи лойиҳаси муҳокамага бағишланган ушбу анжуман ЎзХДП Марказий Кенгаши, парламентдаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ташкил этилди.

Конференцияда билдирилган фикрлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Аквал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор:

Сўнги пайтларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг маъқеи, нуфузи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Сиёсий партиялар орасида партиявий рақобатларда ўзининг сўзини айтишга интиляпти. Мана, Президентимизнинг госянини партия ўстивор йўналишларига мос, деб топди ва мана шу қонунни яратиб ташаббуси билан чиқди. Табиийки, бу қонун пишиқ ва мукамал бўлиши учун кўпчиликнинг фикрини ўрганиш ўта муҳимдир. Агар кимдир ҳомийлик қилган бўлса, демак у бу фаолиятнинг муаммоларини яхши билади. Демак, уларнинг ҳам фикрларини ўрганиб, ҳомийлик — эзгулик қиламан, деган одамнинг йўлини ҳуқуқий жиҳатдан очиб бериш бизнинг бурчимиз.

2-бет

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу, Муборак Ийд ал-Адо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан самимий тилаклар ва эзгу истакларини йўллаб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилашдан мамнунман.

Аллоҳ таборак ва таолодан ушбу муборак онларда ислом умматига юксалиш ва тараққиёт ато этишини тилаб қоламан. Самимий эҳтиром ила,

Абдулла бин Абдулазиз ОЛ САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу, Муборак Ийд ал-Адо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилак ва эзгу истакларини йўллашдан мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ таборак ва таолодан барча ислом умматига қўт-барак ато этишини сўраб қоламан. Самимий эҳтиром ила,

Султон бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Мудофса ва авиация вазири, Бош Назоратчи

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрик ва эзгу тилақларини изҳор этиб, Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини тилайман.

Юксак эҳтиром ила,

Мухаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрик ва эзгу тилақларини изҳор этиб, Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ушбу қўтлуғ айёмда мусулмон уммати бирдамлик ва ҳамжиҳатликка эришини истаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларини қабул этгайсиз. Ҳайитингиз муборак бўлсин!

Саъд ал-Абдулла ас-Салим ас-САБОХ,
Қувайт Давлати Валиаҳди

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ислом аҳли муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу онларда Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларини билдириб, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити муносабати билан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиғи ташкилоти ва шаҳсан Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат ва муваффақиятлар тилашга ижозат бераёйсиз.

Мамлакатингиз тинчлиги ва равнақи сари олиб бораётган раҳбарлик ишларингизда Яратганнинг ўзи Сизга куч-қувват ва сиҳат-саломатлик ато этсин.

Чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Жак ДИУФ,
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиғи ташкилоти
Бош директори

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқлар айланиши

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 125-05-01, 120-45-62, Fax: 133-32-40
www.uzpnb.com e-mail: info@uzpnb.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТТИДИР
Халқлар айланиши

ДИЛШОД МАНСУРОВ — «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ»

Спорт

Анъанага кўра, ҳар йил якунида барча соҳаларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. «Йилнинг энг яхши...» лари номи аниқланади. Утган йил мамлакатимиз спортда ўчмас из қолдирди. Айниқса, иқтидорли эркин курашчимиз Дилшод Мансуровнинг ўз вази тоифаси (55 кг.) бўйича Будапешт (Венгрия)да уюштирилган жаҳон чемпионатида олтин медаль билан тақдирлангани халқимизни беҳад қувонтирди. Теннисчиларимиз Денис Истомин ва Оқул Омонмуродовларнинг Осиё чемпионатида голиб чиқиб, Мельбурн (Австралия)да бўладиган «Улкан тож» туркумига кирувчи мусобақага йўлланма олиши мамлакатимизда тенниснинг жадал ривожланаётганлигини кўрсатиб берди.



«Йилнинг энг яхши спортчиси» — Дилшод МАНСУРОВ.
«Йилнинг энг яхши аёл спортчиси» — Оқул ОМОНМУРОДОВА.
«Йилнинг энг кучли мураббийи» — Андрей ШТУРБАЙИН.
«Йилнинг иқтидорли спортчиси» — Оксана КОТ.
«Йилнинг энг аёл спортчиси» — Оксана ЧУСОВИТИНА.
«Йилнинг энг адалотли ҳақами» — Геннадий АРЗУМАНОВ.
«Йилнинг энг кучли полковни» — Абдулла ТАНГРИЕВ.
«Йилнинг энг яхши спорт тадбирлари ташкилотчиси» — Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси.
«Йилнинг энг кучли эркалар жамоаси» — бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси.
«Йилнинг энг кучли аёллар спорт жамоаси» — Ўзбекистон сув полоси терма жамоаси.
«Йилнинг энг яхши спорт федерацияси» — «Спешел олимпкс» бирлашмаси.
«Йилнинг энг фол спорт фахрийси» — Пётр ЛИСЕНКО.
«Йилнинг энг яхши спорт муҳбири» — Нилуфар СОТИБОЛДИЕВА («Спорт» телеканали).
«Йилнинг энг истиқболли спорт жамоаси» — «Пахтакор» футбол клуби.
«Энг яхши спорт хоймиси» — Салим АБДУВАЛИЕВ.
«Ўзбек спортининг халқаро майдонлардаги фол тарбиётчиси» — Эркин ҚУТИБОЕВ.
«Ўзбек спорти шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилган федерация» — Ўзбекистон Муай-тай федерацияси.

Шунингдек, Дилшод Мансуров «Спорт» газетаси тахририятининг мамлакатимизда матбуот ва ОАВ ходимлари ўртасида уюштирилган сўровида ҳам «Йилнинг энг яхши спортчиси», деб эътироф этилди. Спорт журналистларининг ушбу сўровида иккинчи ва учинчи ўринларни кураш бўйича (+100 кг. ва мутлак вазн тоифаларида) жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ҳамда «2005 йилнинг энг яхши футболчиси», деб топилган Максим Шацкихлар эгаллади.



СПОРТ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Янги йил арафасида Уйчи туманида «Машад» болалар спорт мажмуи фойдаланишига топширилди. Замонавий, барча қулайликларга эга спорт мажмуи уйчилик ёшларга байрам тўғриси бўлди. Энди спорт ихлосмандлари машғулотлари чиройли, кўркам, барча қулайликларга эга спорт саройида ўтказишди.



Суратларда: «Машад» болалар спорт мажмуи фаолиятдан лавҳалар. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ЛУҚМА ИМТИЁЗ МАШМАШАСИ

Менга тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси асосида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ички ишлар идораларида хизмат вазифини бажариши даврида олган жароҳатим туфайли 2-группа ногирони ва II жаҳон уруши ногиронларига тенглаштирилган ҳуқуқни берувчи гувоҳнома берилган.

Эътироз билдирганимдан сўнг ёнида ўтирган ҳамжамияга ҳужжатларимни кўрсатди. У имтиёзли ҳақ тўлашга ҳақли эканлигимни айтди. Орадаги саволни аниқроқ ечиш учун бошлиқ Қўчқор Норчаев қабулга кирмоқчи бўлганимда ўзини Ғофуров деб таништирган ҳодими ҳужжатларимни кўриб «буни қаердан олгансиз?» деб менга мантисиз савол берди ва бошлиқ олдига киритмади.

Эртаси кун Тошкент шаҳар телефон тармоғига бордим. У ерда мени бошлиқ ўринбосари Баҳодир Жалилов қабул қилиб, ҳужжатларимни обдан кўрди. «Сизга имтиёз бор», дея Норчаевга кўнгирак қилди. Норчаев қабулида бўлдим. У Соатбековани хузурига чақирди ва унга қараб «нима учун бу амакининг ҳужжатларини олиб қолмадингиз, агар тушунмасангиз, нега хузурига кирмадингиз», деб койиди. Лекин ўзи «шаҳарга хат ёзман, улардан розилик олганимдан сўнг масала оидинлик киритаман», деб жавоб қайтарди. Ҳақиқат савол туғилди: наҳотки, телефон тармоғида ишловчи мутасаддилар ким имтиёзли, кимда бундай ҳуқуқ йўқ эканлигини билмасалар? Ёки шаҳарга хат ёзилиб, алоҳида руҳсат олинсин, деган кўрсатма борми? Ажабланарлиси, шаҳардан мени туманга юборишган эди. Энди эса туман шаҳарни рўқач қилапти. Оддийгина масалани хал этиш учун қанча вақт, қанча сансалорлик керак бўлар экан? **Хусан ҚўЧҚОРОВ, пенсионер**

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан «...ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илгор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва самарали фойдаланишни ташкил этиш» Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган эди.

Шу ўринда масофавий таълим нима, унинг афзалликлари нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. **Масофавий таълим — бу вақт ва жойидан қатъи назар, шахсий режа асосида ўқиш жараёнидир.**

Ҳозирги кунда бутун дунёда масофавий таълим бўйича таҳсил олаётган талабалар ва ушбу усулни қўллаётган олий ўқув юртлири сонини орттириб бормоқда. Масофавий таълим ва сиртки таълим бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, уларни ўзаро чалқаштириб юбормаслик керак. Масофавий таълим, айтиб ўтилганидек, шахсий режа асосида ўқиш ҳисобланади ва шу жиҳати билан сиртки таълимдан фарқ қилади. Масофадан туриб таълим олувчи ҳар бир талаба ўқитувчи (тutor) га бириктириб қўйилади. У эса талабанинг ўзлаштирилиши назорат қилади, яъни доимий равишда талаба билан алоқада бўлади.

Масофавий таълимнинг сиртки таълимдан яна бир фарқи, талаба ишнинг ҳажми ва фанларни ўзлаштириш кетма-кетлигини ўзи танлайди. Масалан, кундузги бўлим талабаси ўқийдиган бир йиллик курс масофадан туриб бир семестрда ёки модул тизими асосида икки йилда ўқитили-

Ташкил сифатини оширишда масофадан ўқитиш таълимга бўлган оддий ёндашувни ўзгартиради. Яъни, талаба билим олиш учун олий ўқув юртига бормайди, балки илм-фаннинг ўзи талабанинг яшаш жойига қараб силжийди, ин-

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

шим мумкин. Талаба ҳар бир ўтилган курс боблари бўйича бириктириб қўйилган ўқитувчига ҳисобот топширади. Агар у ҳисобот топширолмаса, кейинги босқичга ўта олмайди.

Масофадан ўқитиш янги педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, у кўпгина афзалликларга эга. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, олинаётган билимларнинг тезкорлиги, талабанинг билим олиш жараёнида эркинлиги, таълимнинг иқтисодий самардорлиги, ўқув жараёнида аудио-видео, анимация, графиклар асосида таълим бериш натижасида ўзлаштиришнинг юқори бўлиши, билимлар ҳолисона баҳолашнинг, назарияни амалиёт билан таққослаш имконияти, дунёнинг етуқ профессор-ўқитувчилари маърузаларидан фойдаланиш қабилардан иборат.

ститут ва университетларнинг ахборот ресурсларидан узоқда жойлашган худудларда илм олувчиларга тенг имкониятлар яратилади. Яшаш, овқатланиш ва транспорт билан боғлиқ харажатлар қисқаради.

Авваламбор, масофадан ўқитиш тизимини узоқ вилоятларда яшовчи ёшлар учун ташкил қилиш ва шу билан унинг иқтисодий самардорлигига эришиш мумкин. Ҳозирда жаҳон тажрибаси масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқишдан икки-икки ярим баробар самарали эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ушбу усул туфайли мустақил тайёрларлик кўриш ва фикрлаш натижалари ортади. Талабалар томонидан дарс ўтилишини объектив баҳолаш ва ўқитувчи билан интерактив алоқани ўрнатиш имкони юзага келади. Таълим олиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашда таъ-

лим олувчининг ёшига нисбатан чеклашлар бўлмайди. Масофавий таълим тизимини яратиш учун амалга ошириш натижасида олий ўқув юртиларидан узоқда бўлган, армия сафларида хизмат қилаётган ёшларнинг билим олишига, иккинчи ва ундан кейинги таълимни оломоқчи бўлган шахслар ҳамда параллел равишда иккинчи таълимни оломоқчи бўлган талабаларнинг ўқишига, ақлан заиф бўлмаган ногирон фуқароларнинг таълим олишларига имконият туғилади.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда масофавий таълимни шакллантириш учун, энг аввало, ушбу тизимнинг ягона концепциясини яратиш ва унинг давлат стандартини ишлаб чиқиш лозим. Қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини кучайтириш ҳам маъқул усул самарали бўлишини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда таълимнинг янги моделини яратиш йўлидаги ушбу саъй-ҳаракатлар жамият потенциал кучларини рўёбга чиқаришга ҳамда ёшларимиз билим ва тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилади.

Умурзоқ МИРЗАЕВ, Воҳидкор ТОПИЛДИЕВ, Ўзбекистон Миллий университети бўлим бошлиқлари

БОЛАЛАР ЧИЗГАН ЭРТАКЛАР

Пойтахтимизда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти — ШХТга аъзо давлатлар болаларининг «Болалар чизган эртақлар» мавзусидаги бадий кўргазмаси якунланди. Республика Миллий дизайн колледжидан ўтган мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ШХТ давлатлари болаларининг ана шу мавзудаги расмлар кўрик-танлови ўтган йили Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган эди. Танловга Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан беш миңдан зиёд ўғил-қиз чизган расмлар юборилганди. Улардан соврин ва мукофотларга сазовор бўлган икки юздан ортиқ расм 2005 йил 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунини арафасида Пекин тасвирий санъат музейида намойиш этилди.

Голиб деб топилган расмларнинг катта қисми — эллипка яқини ўзбекистонлик болалар мўйқаламига мансуб экани қувонарли. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг пухта билими, ҳар томонлама етуқ ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши борасида қилинаётган гамхўрликнинг яна бир самарасидир.

Энди «Болалар чизган эртақлар» бадий кўргазмаси ШХТга аъзо барча давлатларнинг пойтахтларига кўчмоқда. Турли миллат ёш истеъдодлари эртақлар мавзусида чизган асарларнинг Тошкентдаги намойиши ранг-баранглиги билан чинкам болалар ижодиёти фестивалига айланди.

Тадбир доирасида болалар ижодий жамоаларининг концертлари, машҳур расмлар, санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари, суҳбатлар, учрашувлар, тасвирий санъат дарслари бўлиб ўтди. **Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКISTON-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКISTONДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎГИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Хизмат сифатига қаролат берамиз.
Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасув-4» дахаси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 14,17,21,24,28 февраль ва 3,7,10,14,17,24,28,31 март кунлари аукцион савдоларини ўтказишда Савдоларга «SUVSZOZ» трести ДУК балансида бўлган Яққасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 13/15-уй манзилида жойлашган, майдони 234 кв.м га тенг бўлган биналар 14 047 140 сўм бошланғич нарх билан қўйилади. Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектининг бошланғич нархидан 10% миқдордаги закат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайди. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. **Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гувоҳнома №000815**

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган объектлар бўйича биржа савдоларига таклиф этади

Биржа савдоларига 2005 йил 30 декабрдан бошлаб, «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти ҳудудидаги ТИМ-2 савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги 38 (ўттиз саккиз) та савдо дўконлари қўйилди:
Умумий майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 14 (ун тўртта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 24 828 423,62 сўмдан.
Умумий майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 14 (ун тўртта) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 28 139 767,86 сўмдан.
Умумий майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 252 703,25 сўмдан.
Умумий майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 950 980,37 сўмдан.
Умумий майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 57 820 284,22 сўмдан.
Умумий майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 971 425,82 сўмдан.
Умумий майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 33 659 497,58 сўмдан.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй. 402-хона.Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Galos Uzbekistonda») Norbobo SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIBERGENOV Muslihidin MUHIIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASIDIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rif
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq
133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43

Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Zayniddin MAMADALIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikomjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'biyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
14267 naxsada bosildi
t — Tuzatuvchi materiallari
O'ZA yakuni —
Topshirish vaqti —
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda